



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **380** Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178<sup>1</sup>-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига 2-иловага (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а) 5-бандда:

«Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатининг талаблари» устунидаги «Матбуот нашрларида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламасини чеклаш» сўзлари «Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар реклама қилинишига йўл қўймаслик» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши учун масъул бўлган давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг номи» устунига «Ўзбекистон МТРК, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» сўзлари қўшилсин.

б) 6-бандда:

«Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатининг талаблари» устунидаги «Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаларини ташқи жойлаштиришни назорат қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни моддаси» устунидаги «23-модда» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 29 октябрь,  
240-сон